

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

КУЛДАШЕВ НУРИДДИН АБДУГАНИЕВИЧ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ДЕЛИКТ МУНОСАБАТЛАР
СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Кулдашев Нуриддин Абдуганиевич

Ички ишлар органлари деликт муносабатлар

субъекти сифатида 3

Кулдашев Нуриддин Абдуганиевич

Органы внутренних дел как субъекты

деликтных отношений 33

Kuldashev Nuriddin Abduganiyevich

Internal affairs bodies as

subjects of tort relations 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 68

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

КУЛДАШЕВ НУРИДДИН АБДУГАНИЕВИЧ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ДЕЛИКТ МУНОСАБАТЛАР
СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DscYu/75 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Камалов Ойбек Ахматович**
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Самарходжаев Ботир Билалович**
юридик фанлар доктори, профессор

Топилдиев Бахромжон Рахимжонович
юридик фанлар доктори, профессор

Ахмедов Азизжон Дильшодович
юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси**
Жамоат хавфсизлиги университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 29 декабрь соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади ((Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1000-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар А.Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил 13 декабрь куни тарқатилди.

(2021 йил 13 декабрдаги 20-рақамли реестр баённомаси).



И. Рустамбеков
И.Р. Рустамбеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори,
профессор

Д.Ю. Хабибуллаев
Д.Ю. Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, юридик фанлар номзоди,
профессор

С.С. Гулямов
С.С. Гулямов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўпгина давлатлари қонунчилигида полиция органларининг иштирокидаги деликтлар, деликт мажбуриятларнинг махсус тури бўлиб, турли ҳуқуқ тармоқларининг институти сифатида эътироф этилади. Масалан, АҚШ ва Германияда – оммавий ҳуқуқ, Туркияда – оммавий ва фуқаролик ҳуқуқи, Украинада эса махсус қонун билан тартибга солинган. Уларда полициянинг қонунга хилоф қарорлари, мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида зарар етказилишининг олдини олиш, етказилган зарарни бартараф этиш ва тўлиқ ҳажмда қоплашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда молиявий манбаларини яратиш муаммолари долзарб аҳамият касб этмоқда. World Population Review¹ маълумотларига кўра ҳар йили минглаб инсонлар ички ишлар органлари ходимларининг ҳаракатлари қурбонларига айланмоқдалар, бу рўйхатда Бразилия, Филиппин, Ҳиндистон ва АҚШ биринчи ўринда туради, бу эса ўз навбатида мазкур йўналишда чуқур тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Жаҳонда жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида полиция ташкилотлари томонидан етказилган зарарни қоплаш, шунингдек ҳуқуқбузарлик ва давлат ҳокимиятининг суиистеъмол қилинишидан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича миллий ва халқаро кўламдаги чораларни ишлаб чиқиш, бу орқали оммавий ҳуқуқ субъектлари томонидан етказилган зарар билан боғлиқ низоларнинг камайишига эришиш, жабрланганларга етказилган зарарнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундириб берилишини таъминлайдиган ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш, ички ишлар органларининг оммавий ва хусусий-ҳуқуқий деликт муносабатларини аниқлаш, давлат органи ва юридик шахс сифатида уларнинг деликт жавобгарлигини белгилаш масалаларига катта илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда деликт муносабатларни ривожлантиришга қаратилган, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясининг² ижроси доирасида маънавий, моддий зарар ва зиёнларни ҳисоблаш тартибини жорий этиш йўли билан фуқаролик қонунчилигининг компенсаторлик функциясини кучайтириш, мажбурият ҳуқуқини такомиллаштириш, жумладан мажбуриятлар вужудга келиши асосларининг тўлиқ рўйхатини аниқлаш ҳамда мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгариши масалаларини тартибга солувчи нормаларни модернизация қилиш, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институтини такомиллаштириш, жумладан, зарарни қоплашнинг адолатли тартибини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя

¹ <https://worldpopulationreview.com/country-rankings/police-killings-by-country>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5464-сон Фармойиши // URL: <https://lex.uz/docs/4272621> (мурожаат вақти: 30.10.2021).

қиладиган самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни белгилаш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан, судлар томонидан ички ишлар органлари қарорларини ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлигини) ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ оммавий низолар сони ортиб, давлат органлари, шу жумладан ички ишлар органлари ва мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни жабрланганларга ўз вақтида ва тўлиқ ундириб бериш борасида муаммолар юзага келмоқда. Ички ишлар органларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ низолар кўрсаткичи 2018 йилда – 8 та, 2019 йилда – 16 та, 2020 йилда – 18 та бўлгани ҳолда, тизим ходимлари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш ҳолатлари сони 2018 йилда – 121, 2019 йилда – 138, 2020 йилда – 88 тани ташкил этган³. Биргина 2020 йилда етказилган зарарнинг 34 фоизи турли сабабларга кўра жабрланганларга ундириб берилмаган⁴. Бу эса, ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатларни фундаментал тадқиқ қилиш, улар томонидан етказилган зарарни қоплашнинг ҳуқуқий тартиби ва молиявий манбаларини қонун ҳужжатларида аниқ белгилаш, соҳага оид халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995, 1996), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни (2016), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2020 йил 22 июндаги «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6012-сон ва 2020 йил 5 октябрдаги ««Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон фармонлари, 2019 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5464-сон фармойиши ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Россиянинг Москва ва

³Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018–2020 йиллардаги архив материаллари / Олий суднинг 2021 йил 12 июлдаги 07/14-12396-236-сонли маълумотномаси.

⁴ Мансабдор шахслар жиноятлари оқибатида жорий йилда 172 миллиард 260 миллион сўм зарар етказилган // URL: <http://old.uza.uz/oz/society/mansabdor-shakhsilar-zhinoyatlari-o-ibatida-zhoriy-yilda-172--15-07-2020> (мурожаат вақти: 30.10.2021).

Санкт-Петербург давлат университетлари, Украинанинг Миллий ички ишлар академияси, Қозоғистон гуманитар юридик университети, Туркиянинг Гази университети ҳамда АҚШнинг Калифорния университетида олиб борилмоқда.

Ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалаларига оид мазкур хорижий илмий тадқиқотлар натижасида муайян илмий натижаларга эришилган. Хусусан, ички ишлар органлари тизимидаги суриштирув ва дастлабки тергов бўлимларининг ғайриқонуний ҳаракатлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгарликка оид назарий ва амалий қоидалар ишлаб чиқилган (Россия ИИВ Бошқарув академияси), ички ишлар органларининг ходимлари жисмоний куч ишлатиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллаши натижасида зарар етказилгани учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ўрганилган (Россия ИИВ Санкт-Петербург университети), ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги асослари такомиллаштирилган (Украина миллий университети, Украина миллий ички ишлар академияси) ҳамда ички ишлар органларининг суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган (Қозоғистон гуманитар юридик университети), оммавий ва хусусий ҳуқуқ субъекти сифатида давлат органларининг жавобгарлиги илмий тадқиқ этилган (Туркия Гази университети).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация мавзуси ҳозирги вақтда ўрганилиши зарур бўлган «кўп қиррали» муаммолардан бири бўлиб, цивилистика фанида махсус тадқиқ этилмаган. Ички ишлар органларининг деликт муносабатлардаги иштироки, аниқроғи ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий масалалари юзасидан диссертант аввал ҳам илмий изланишлар ўтказган. Аммо уларда муаммонинг айрим жиҳатлари тўлиқ кўриб чиқилмаган; дастлабки ғоя ва фаразлар ўртага ташланган-у, уларнинг ечими ва кутилаётган натижалар батафсил баён қилинмаган.

Ҳозирги вақтда диссертация мавзусининг баъзи жиҳатлари ҳуқуқшунос олимлар томонидан у ёки бу даражада тадқиқ этилган. Хусусан, ички ишлар органлари ва айрим соҳавий хизматларининг оммавий деликт муносабатлардаги иштироки билан боғлиқ масалалар ўрганилган⁵. Бироқ, ушбу тадқиқот ишларида ички ишлар органларининг жиноят-процессуал фаолиятида етказилган зарар ва уни қоплаш билан боғлиқ муносабатлар кўриб чиқилган, холос.

Шу ўринда эшаш жоизки, собиқ Иттифоқ қонунчилигида ички ишлар органларини деликт муносабатлар субъекти сифатида белгиловчи ҳуқуқий нормалар деярли бўлмаган; мавжудлари ҳам амалда давлат органлари томонидан етказилган мулкий зарарни қоплаш билан боғлиқ тор доирадаги масалаларни тартибга солган, холос. Бироқ, мазкур муносабатларнинг у ёки бу жиҳатлари ўша давр цивилист олимлари томонидан собиқ Иттифоқ мафкураси ва қонунчилиги асосида тадқиқ этилган. Жумладан, Д.Н. Бахрах, А.М. Белякова, В.П. Грибанов, В.М. Дервяго, П.М. Комаров, О.А. Красавчиков, А.П. Кун, Н.С. Малейн,

⁵Мазкур илмий тадқиқот ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

М.Г. Маркова, Т.М. Медведева, В.А. Тархов каби олимлар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари, хусусан, уларнинг маъмурий бошқарув соҳасидаги ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари оқибатида етказилган мулкӣ зарар ва уни қоплаш билан боғлиқ муносабатларнинг айрим жиҳатларини тадқиқ этганлар⁶.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда ички ишлар органларининг деликт муносабатлардаги иштироки билан боғлиқ жиҳатлар у ёки бу даражада И.С. Кокорин, А.В. Плюта, Ю.А. Ступницкая, Т.Т. Шиктибаев, А.А. Пантелеева, М.В. Зуева⁷ каби олимларнинг илмӣ изланишларида ўрганилган. Масалан, И.С. Кокориннинг – ички ишлар органлари ходимларининг жисмонӣ куч ишлатиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллаши оқибатида етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик масалаларига, Т.Т. Шиктибаевнинг – суриштирув ва дастлабки тергов органларининг деликт муносабатлардаги иштироки билан боғлиқ масалаларга, А.А. Пантелеевнинг – суриштирув ва дастлабки тергов бўлимларининг ғайриқонуний ҳаракатлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгарлиги масалаларига (туман ички ишлар бўлимларининг фаолияти мисолида) ҳамда М.В. Зуеванинг давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик масалаларига бағишланган ишларини таъкидлаш ўринлидир.

Хорижий мамлакатларда ушбу мавзуда Муҳаммадали Айдин (Туркия, Истанбул), Ричард Г. Зевиц (АҚШ, Калифорния), Г.И. Чанишева, А.С. Юнин, Н.В. Миловская, Р.В. Пожоджук, В.В. Мазур (Украина) ва бошқа олимлар тадқиқот олиб борганлар.

Ўзбекистон Республикасида давлат органларининг фуқаролик-ҳуқуқӣ лаёқати, уларнинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқӣ мақоми ва фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатлардаги иштироки, улар томонидан етказилган зарар ва уни қоплаш масалаларини тадқиқ этиш натижалари Ҳ.Р. Раҳмонқулов, И.Б. Зокиров, О. Оқюлов, Ж.Т. Холмўминов, И.И. Насриев, Н.С. Нарматов, Ш.Н. Рўзиназаров, М.Ф. Саттарова, М.Х. Баратов, О.А. Камалов, Н.Ф. Имомов, Б.М. Ҳамроқулов каби олимларнинг илмӣ асарларида у ёки бу даражада ўз ифодасини топган⁸.

⁶ Мазкур олимлар илмӣ ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁷ *Кокорин И.С.* Гражданско-правовая ответственность за вред, причиненный применением физической силы, специальных средств и оружия сотрудниками органов внутренних дел: Дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2005. – 190 с.; *Плюта А.В.* Право оперативного управления в учреждениях органов внутренних дел: Дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2005. – 164 с.; *Ступницкая Ю.А.* Имущественная ответственность органов внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2006. – 25 с.; *Шиктибаев Т.Т.* Деликтные обязательства по законодательству Республики Казахстан: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Алматы, 2007. – 347 с.; *Пантелеева А.А.* Ответственность за вред, причиненный незаконными действиями подразделений дознания и предварительного следствия (на примере деятельности горрайорганов внутренних дел): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2008. – 27 с.; *Зуева М.В.* Гражданско-правовая ответственность за вред, причиненный государственными органами и их должностными лицами. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Волгоград, 2011. – 30 с.

⁸ Мазкур олимлар илмӣ ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

Диссертация мавзуси бўйича М. Баратовнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида давлат иштирокининг назарий ва амалий муаммоларига⁹, Б. Ҳамроқуловнинг маънавий зарарни қоплаш асосларини такомиллаштиришга¹⁰, Ш. Исмоиловнинг махсус деликтнинг бир тури сифатида ходимнинг етказган зарари учун иш берувчи жавобгарлигининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммоларига¹¹, М. Саттарованинг мансабдор шахсларнинг қонунга ҳилоф ҳужжатлари оқибатида тадбиркорларга етказилган зарарни қоплаш муаммоларига¹² бағишланган илмий ишларини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу тадқиқот ишларида давлат органларига нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашнинг айрим жиҳатлари, деликтнинг баъзи турларида деликт жавобгарликка хос хусусиятлар, давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари ва ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарарни қоплаш масалаларининг ечимлари ўз ифодасини топган.

Гарчи юқорида зикр этилган олимларнинг ишларида деликт жавобгарлик, регресс талаблар, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари, етказилган зарар ва уни қоплаш усуллари ҳар томонлама, кенг таҳлил этилган бўлса-да, айнан ички ишлар органларининг деликт муносабатлар субъекти сифатидаги иштироки, уларнинг давлат органи ва юридик шахс сифатидаги деликт жавобгарлиги ҳақидаги муаммолар шу кунгача миллий цивилистика фанида комплекс ҳолда илмий тадқиқ этилмаган. Буларнинг барчаси ушбу мавзу предметининг долзарблигини тасдиқлайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 2018–2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасидаги «Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда ички ишлар органларининг иштироки: ҳолати, муаммолари ва уларнинг ечимлари» мавзуидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқот ишининг асосий мақсади ички ишлар органларининг деликт муносабатлар субъекти сифатидаги хусусиятларини ўрганиш, уларнинг бу муносабатларда давлат органи ҳамда юридик шахс сифатида иштироки ҳамда деликт жавобгарлик масалаларини фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан яхлит (комплекс) тарзда тадқиқ этиш, ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини илмий таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

⁹ Баратов М.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида давлат иштирокининг назарий ва амалий муаммолари: Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф. – Т., 2008. – 48 б.

¹⁰ Ҳамроқулов Б.М. Маънавий зиённи қоплаш асосларини такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc) дис. автореф. – Т., 2020. – 71 б.

¹¹ Исмоилов Ш.А. Ходимнинг етказган зарари учун иш берувчи жавобгарлигининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. – Т., 2009. – 174 б.

¹² Саттарова М.Ф. Проблемы возмещения вреда, причиненного предпринимателям незаконными актами должностных лиц: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2004. – 25 с.

Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида тури сифатида деликт муносабатларнинг хусусиятини аниқлаш, деликт институтининг функция ва вазифаларини, шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда унинг самарали институт сифатидаги ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиш ҳамда асослаш;

деликт мажбуриятлар тизимида ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигида ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятларини ўрганиш;

деликт муносабатларда деликвент тараф сифатида ички ишлар органларининг (давлат органи ҳамда юридик шахс мақомидаги) иштирокини аниқлаш ва бунинг муҳим жиҳатларини ёритиш;

деликт жавобгарликнинг умумий асосларини тадқиқ этиб, ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар учун деликт жавобгарликнинг махсус асосларини аниқлаш;

ички ишлар органлари ташкилий-ҳуқуқий шаклининг деликт жавобгарлигига таъсирини таҳлил қилиш;

давлат органларининг, шу жумладан ички ишлар органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини аниқлаш;

ички ишлар органларининг давлат органи ва юридик шахс (оммавий ва хусусий ҳуқуқ субъекти) сифатидаги деликт жавобгарлигини таҳлил қилиш ва очиб бериш;

зарарни бартараф этишнинг қонунчиликда белгиланган усулларини амалда қўллаш муаммоларини ўрганиш орқали ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплашнинг самарали усулларида фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплашга оид қонун ҳужжатлари ҳамда суд амалиётини ўрганиш, бу борада мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш асосида уларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ички ишлар органларининг зарар етказиши (деликт) билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизимидир.

Тадқиқотнинг предметини ички ишлар органларининг деликт муносабатлардаги иштирокини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, судларнинг мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти, шунингдек ушбу тадқиқот мавзусига оид илмий ишлар ва адабиётлар таҳлили ташкил этди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида фаннинг тарихий, қиёсий-ҳуқуқий ва тизимли ёндашув усуллари, анализ (таҳлил) ва синтез, дедукция ва индукция, умумлаштириш каби усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатлар деликтнинг алоҳида тури эканлиги асослантирилиб, ўзига хос жиҳатлари ёритилган;

ички ишлар органлари иштирокидаги деликтларда етказилган зарарнинг қийматини уни қоплаш вақтидаги бозор нархидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш; зарарни нақд ёки пул ўтказиш, тенг қийматдаги мулкни бериш йўли билан ёки натура тарзида, шикастланган мулкни таъмирлаш орқали қоплаш; шунингдек ички ишлар органлари томонидан бартараф этилган зарарни айбдор шахслардан регресс тартибида ундириш ҳақида таклифлар берилган;

ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарарни, шунингдек унинг ўрнини ва миқдорини аниқлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши, агар зарар ички ишлар органлари ходимининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли етказилган бўлса, ИИВнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиб, кейинчалик айбдор шахсдан регресс тартибида ундириш зарурлиги асослантирилган;

ички ишлар органлари ходими ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига ходим хизмат мажбуриятларини бажариши муносабати билан жисмоний ва юридик шахслар томонидан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш зарурлиги асослантирилган;

ички ишлар органларининг қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқариши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашнинг молиявий манбаларини аниқ белгилаш кераклиги асослаб берилган;

ички ишлар органлари томонидан етказилган мулкий зарарни жабрланувчининг розилиги билан нақд ёки пул ўтказиш, тенг қийматдаги мулкни бериш йўли билан, уни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни инобатга олган ҳолда натура тарзида қоплаш мумкинлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хорижий давлатларнинг мавзуга оид қонунчилик тажрибаси ўрганилиб, давлат органларининг нафақат қонунга хилоф, балки қонуний ҳаракатлари натижасида ҳам етказилган зарарни қоплаш, шунингдек Фуқаролик кодексига «Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қонуний ҳаракатлари натижасида етказилган зарарни қоплаш» номли янги таҳрирдаги 15¹-модда киритиш зарурлиги асослаб берилди;

тадқиқот давомида айрим ҳуқуқий нормалар ўртасида зиддиятлар борлиги аниқланиб, уларни ҳал қилиш йўллари таклиф этилди. Жумладан, Фуқаролик кодексининг (зарарнинг ўрнини қоплаш усулини танлаш ваколати судга берилганлиги ҳақидаги) 1003-моддаси ҳамда 1-моддаси иккинчи қисмида келтирилган нормалар ўртасида зиддиятлар борлиги асослантирилиб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилди;

ички ишлар органларининг деликт муносабатларда давлат органи ва юридик шахс сифатидаги иштироки таҳлил қилиниб, ўзига хос жиҳатлари ёритилди. Ички ишлар органлари етказган зарар уларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиққанида – ҳар қандай ҳолатда ҳам давлат бюджетидан, хусусий-ҳуқуқий муносабатларидан вужудга келганида эса

хўжалик фаолиятдан топилган мол-мулки ёки бошқа бюджетдан ташқари пул маблағлари ҳисобидан қопланиши лозимлиги асослаб берилди.

Диссертация тадқиқоти натижасида «Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Диссертацияда ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар уларнинг оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий муносабатларидан вужудга келиши кўрсатилди. Чунончи, бу зарар уларнинг:

оммавий-ҳуқуқий муносабатларида, яъни уларнинг бошқарув фаолияти (ноқонуний маъмурий қарорлар ва ҳужжатлар қабул қилиниши оқибати)да ҳамда жиноий ва маъмурий ҳуқуқ нормаларини қўллаш фаолияти (қонунга хилоф тарзда жиноий-процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо бериш)да вужудга келади;

хусусий-ҳуқуқий муносабатларида, яъни уларнинг шартномавий муносабатларида ҳамда ҳокимият ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган шартномадан ташқари муносабатларида (масалан, уларга мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ёхуд бошқа ҳар қандай қонуний асосда тегишли бўлган ошиқча хавф манбалари томонидан етказилган зарар) вужудга келади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда илмий усуллар қўлланилгани, фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, хорижий ва миллий тажриба ҳамда қонун ҳужжатлари қиёсий таҳлил қилингани, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётда жорий этилгани, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишида илк бор ички ишлар органларининг деликт муносабатлардаги субъект сифатида иштирок этиши комплекс тарзда ўрганилди. Шунингдек, деликт муносабатлар субъекти сифатида ички ишлар органлари (ходимлари)нинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва муомала лаёқати, давлат органи ва юридик шахс сифатидаги деликт жавобгарлигининг асослари, улар томонидан етказилган зарарни қоплаш усуллари, тартиб-таомиллари билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилди. Ички ишлар органларининг давлат органи ва юридик шахс сифатида деликт муносабатлардаги иштирокига хос жиҳатлар ўрганилиб, шунга кўра деликт жавобгарлиги ҳам фарқ қилиши асослаб берилди.

Тадқиқот иши мавзуга тегишли муаммоларнинг турли жиҳатларини умумлаштириб таҳлил этишга асосланган бўлиб, бу усул фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожлантиришга, ички ишлар органларининг давлат органи ва юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақомини белгилашга, улар томонидан етказилган зарар ва уни қоплаш билан боғлиқ масалаларни илмий мушоҳада қилиш орқали зарарни ундиришнинг фуқаролик-ҳуқуқий усулларини такомиллаштиришга, шунингдек ушбу соҳага оид илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга имкон берди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилишда энг муҳим ҳуқуқий институтлардан бири бўлган деликт институтини такомиллаштиришга қаратилган кўплаб тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Диссертациядаги назарий хулосалар, илмий асосланган таклиф ва тавсиялардан ички ишлар органлари тараф сифатида қатнашган деликт низоларни ҳал қилишда, шунингдек ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари асосида:

ИИВ Академияси кундузги ва сиртқи таълим факультетларининг курсант ҳамда тингловчилари учун «Фуқаролик ҳуқуқи» дарслигининг мажбурият ҳуқуқига бағишланган 3-боби тайёрланган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сон буйруғи, 892-130-сонли ўқув адабиётининг нашр гувоҳномаси). Дарслик «Юриспруденция» мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар, курсант ва тингловчилар, магистрантлар, илмий тадқиқотчиларнинг, шунингдек фуқаролик ҳуқуқини кўлловчи амалиёт ходимларининг билим ва кўникмалари ривожланишига ҳисса қўшган. Дарсликда ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатлар деликтнинг алоҳида тури эканлиги асослантирилиб, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган;

ички ишлар органлари иштирокидаги деликтларда етказилган зарарнинг қийматини уни қоплаш вақтидаги бозор нархидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш, зарарни нақд ёки пул ўтказиш, тенг қийматдаги мулкни бериш йўли билан ёки натура тарзида, шикастланган мулкни таъмирлаш орқали қоплаш, шунингдек ички ишлар органлари томонидан бартараф этилган зарарни айбдор шахслардан регресс тартибда ундириш ҳақида таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24 апрель 2017 йилдаги 234-сон қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органи ходимининг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига унинг хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 13, 14, 17-бандларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2020 йил 26 августдаги 2/2851-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши Фуқаролик кодексининг «Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар» номли 57-бобининг нормалари ҳуқуқни кўллаш амалиётида тўғри қўлланилишини таъминлашга ҳамда ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши такомиллашувига хизмат қилган;

ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек унинг ўрнини ва миқдорини аниқлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши, агар зарар ички ишлар органлари ходимининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли етказилган бўлса, ИИВнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиб, кейинчалик айбдор

шахсдан регресс тартибда ундириш зарурлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 апрелдаги 235-сон қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 26 августдаги 2/2851-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши ички ишлар органлари ва уларнинг ходимлари томонидан хизмат вақтида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашнинг молиявий манбаларини белгилашга хизмат қилган;

ички ишлар органлари ходими ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига ходим хизмат мажбуриятларини бажариши муносабати билан жисмоний ва юридик шахслар томонидан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш зарурлигига оид таклифлар 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сон Ўзбекистон Республикаси қонунининг 39-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 4 июндаги 06/1-05/2646-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши ички ишлар органлари ходими хизмат ўтаётган вақтда унинг ва яқин қариндошларининг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги қоида белгиланишига хизмат қилган;

ички ишлар органларининг қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқариши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашнинг молиявий манбаларини аниқ белгилаш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 4 июндаги 06/1-05/2646-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши ички ишлар органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар қайси ҳолларда ички ишлар органларининг бюджетдан ташқари маблағларидан ва қайси ҳолларда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланишини аниқлашга хизмат қилган;

ички ишлар органлари томонидан етказилган мулкӣ зарарни жабрланувчининг розилиги билан нақд ёки пул ўтказиш, тенг қийматдаги мулкни бериш йўли билан, уни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни инобатга олган ҳолда натура тарзида қоплаш мумкинлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 апрелдаги 235-сон қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 18-бандида ўз ифодасини

топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 26 августдаги 2/2851-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш масаласи суд тартибида кўрилмасдан, зарар етказувчи билан жабрланувчи ўртасидаги келишув асосида ҳам ҳал қилинишини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари учта халқаро ҳамда олтита республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни жами 25 та илмий ишда, жумладан 24 та илмий мақола (миллий журналларда – 11 та, халқаро журналларда – 2 та, илмий анжуманларда – 11 та), 1 та монографияда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 269 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи берилган, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, ишнинг илмий янгилиги, методологик ва назарий асослари, очиқ ҳимояга тақдим этилаётган асосий хулоса ва таклифлар, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти, синовдан ўтганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Фуқаролик ҳуқуқида деликт институтининг ривожланиши ва илмий-назарий асослари таҳлили»** деб номланган биринчи бобида фуқаролик ҳуқуқида деликт институтининг шаклланиши ва ривожланиши, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда деликт институтининг ўрни ва аҳамияти, деликт муносабатларнинг вужудга келиши ва унда ички ишлар органлари иштирокининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи роман-герман ҳуқуқ тизимига асосланади ва деликт институти ҳам Рим хусусий ҳуқуқининг новеллаларидан бири ҳисобланади. Маълумки, деликт институти қоидалари дастлаб қадимги Рим ҳуқуқида ташкил топган, бироқ унинг таъсир доираси асосан Рим ҳуқуқи амал қилган мамлакатларга хос бўлган. Аммо, у миллий ҳуқуқ тизимимизга ҳам таъсир этган. Мамлакатимизда ушбу институт узоқ тарихий ривожланиш даврини босиб ўтган, дастлаб «Авесто» қоидалари, Россия истилосига қадар эса ислом ҳуқуқи, кейинги даврда Чор Россияси ҳуқуқи ва

шариат нормалари билан аралаш (дуализм) ҳуқуқ, совет ҳуқуқи ва ниҳоят мустақил Ўзбекистон қонунчилиги асосида тадрижий ривожланган.

Тарихий ёзма манбалар (Хаммурапи, XII жадвал қонуни) таҳлили натижасида шу нарса аниқландики, деликт институти асосан «*delictum publicum*» (давлат манфаатига қарши ҳуқуқбузарликлар) ва «*delicta privata*» (хусусий манфаатларга қарши ҳуқуқбузарликлар) соҳасида шаклланган ва ривожланган. Жумладан, қадимги Римда дастлаб ватанга хиёнат, душман билан тил бириктириш, давлат раҳбарига суиқасд қилиш, оила бошлиғини ўлдириш каби ҳуқуқбузарликлар «*delictum publicum*» ҳисобланиб, унга қарши кураш ва жазо бериш ишлари фақат давлат (унинг органлари) ваколатига кирган бўлса, «*delicta privata*» хусусий иш ҳисобланган ва давлат бу низоларга аралашмаган. Фақат кейинчалик XII жадвал қонунида қўшнисининг дарахтини кесиш, ўғирлик қилиш, омонат(га олинган мулк)ни қайтар(иб бер)маслик каби хусусий низоларни ҳам давлат аралашуви билан ҳал қилишга оид қоидалар ўрнатилган. Ҳар икки деликт учун ҳам жавобгарликнинг дастлабки кўриниши деликвентдан қасос олиш, яъни уни жазолаш бўлган. Зарар етказган шахсдан «шахсий ўч олиш» ўрнига товон пули ундиришнинг жорий этилиши аста-секин шафқатсиз жазолардан воз кечилишига олиб келган. Мулкий зарарни қоплаш усуллариининг инсон шахсига (уни жисмоний қийноққа солиш ёки унга жисмоний азоб беришга) эмас, балки унинг мол-мулки ёки мулкий ҳуқуқларига қаратилиши инсоният тамаддуниининг инсонпарварлик соҳасидаги улкан ютуқларидан бири бўлди. Албатта, бунга узоқ тарихий ривожланиш натижасида эришилди.

Тадқиқот ишида бир қатор давлатлар (Дания, Исландия, Швейцария, Норвегия, Англия, Франция, Германия, Туркия, Украина, Россия Федерацияси, Беларусь ва бошқа МДҲ давлатлари)нинг тегишли қонун ҳужжатлари ҳамда полиция тажрибаси ўрганилиб, Ўзбекистонда ички ишлар органларини инсонпарвар полиция тизимига ўтказиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг универсал қоидаларидан бири бўлмиш деликт институти ҳуқуқнинг турли соҳаларида амал қилади. Хусусан, фуқаролик, фуқаролик процессуал, жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий ва меҳнат ҳуқуқи соҳаларида тегишли қоидалар мавжуд. Бироқ улар ўртасида умумий жиҳатлар билан бирга, номувофиқликлар ҳам бор.

Масалан, фуқаролик ҳуқуқида белгилангани каби маъмурий ва жиноят-процессуал ҳуқуқда ҳам жабрланувчига етказилган зарарнинг (бой берилган фойданинг ҳам) тўлиқ қопланишини ёки маънавий зарарнинг ундирилишини таъминловчи нормалар йўқ. Борлари эса фуқаролик ҳуқуқидаги каби жабрланувчига етказилган зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланишини таъминлай олмайди. Ёки «зарарни қоплаш» фуқаролик ҳуқуқида жавобгарлик чораси сифатида қўлланилса, бошқа ҳуқуқ соҳаларида бундай функцияни бажармайди.

Ҳуқуқ соҳалари ўртасидаги бундай номувофиқлик ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплашга оид комплекс институтнинг моҳиятидаги бирлик ва узвийликка салбий таъсир кўрсатади. Шу боис тадқиқот ишида ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар, уларнинг қайси

фаолиятидан келиб чиқишидан қатъи назар, фуқаролик ҳуқуқи нормалари асосида қопланиши, бунда деликт институтининг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси устуворлигини таъминлаш зарурлиги асослангирилиб, жабрланувчига етказилган зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланишини таъминлаш механизмлари ишлаб чиқилди.

Диссертацияда деликт муносабатларга муаллиф таърифи ишлаб чиқилди. Унга кўра «*деликт муносабат* – зарар етказилиши натижасида шахснинг мулкӣ ёки номулкӣ мутлақ ҳуқуқлари бузилишидан келиб чиқадиган муносабат бўлиб, бунда қарздор (зарар етказувчи, зарарни қоплашга мажбуриятли ёки бошқа шахс) бузилган ҳуқуқ ёки манфаатни (мулкӣ ёки маънавий зарарни) қоплашга ёхуд ҳуқуқни бузаётган ҳаракатни тўхтатишга мажбур, кредитор (мулкӣ ёки маънавий зарар кўрган ёхуд ҳуқуқи бузилаётган шахс) эса қарздордан ўз мажбуриятини бажаришини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Тадқиқотчи аксарият цивилистларнинг деликт муносабатлар «бир томонлама» мажбуриятларни вужудга келтиради, деган фикрларини ўрганиб, деликвент жабрланувчига етказилган зарарни аслича қоплаганда жабрланувчида шикастланган ашёни деликвентга топшириш мажбурияти ҳам вужудга келишини ва бунда деликт муносабатлар «икки томонлама» мажбуриятларни келтириб чиқариши (деликвентда ҳам, жабрланувчида ҳам мажбурият бўлиши)ни илмӣ асослантиради.

Тадқиқот ишида фуқаролик қонун ҳужжатларида зарарни қоплаш мажбурияти тўғридан-тўғри зарар етказмаган шахсга (масалан, зарурий мудофаа ҳолатида етказилган зарарни қоплаш мажбурияти зарар етказувчига эмас, тажовуз қилган шахсга) юклатилганлиги ҳолатлари ўрганилиб, ички ишлар органлари ва уларнинг ходимлари томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбурияти ҳам нафақат зарар етказувчи (ички ишлар органлари ёки уларнинг ходимлари)га, балки суднинг қарори билан бошқа субъектларга ҳам юклатилиши мумкинлиги асослангирилди.

Тадқиқот ишида ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатлар ўзига хос хусусиятга эгаллиги ва бунда деликт мажбуриятнинг вужудга келиш асоси нафақат зарар етказиш факти, балки бошқа юридик факт (суднинг қарори, маъмурий ҳужжат, шахсни реабилитация этиш тўғрисидаги ажрим)лар ҳам бўлиши мумкинлиги асослаб берилди. Бундан ташқари, зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳолатида етказилган зарарни қоплаш мажбурияти (Фуқаролик кодексининг 987, 988-мм.) жавобгарлик чораси эмас, балки шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш усули эканлиги асослангирилди. Чунки, зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳолатида зарар етказилганида зарар етказувчининг айби бўлмайди ва қонунда назарда тутилгани боис зарар қопланади ва бу вазиятда «зарарни қоплаш» фуқаролик-ҳуқуқӣ жазо чораси эмас, балки жабрланувчининг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида тушунилиши керак, деган хулосага келинди.

Диссертацияда ички ишлар органлари (ходимлари)нинг қонуний ҳаракатлари оқибатида, зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар ўрганилди ҳамда суднинг мазкур ҳолатларда етказилган зарарни ундириш тўғрисида чиқарган қарори зарар етказувчига нисбатан жавобгарлик чораси

эмас, балки шахсинг бузилган ҳуқуқини тиклаш усули эканлиги асослангирилди. Шунга кўра, суднинг зарарни ундириш тўғрисида чиқарган қарори ички ишлар органлари ходимларига нисбатан ички хизмат текшируви ўтказилишига асос бўлмаслиги керак, деган хулосага келинди.

Диссертацияда деликт муносабатларда ички ишлар органлари «давлат органи» ҳамда «юридик шахс» мақомида деликвент сифатида иштирок этиши, бунда давлат органи сифатида етказилган зарар деликтнинг алоҳида тури ҳисобланиши кўрсатилди. Шу боис давлат органи сифатида ички ишлар органларининг деликт жавобгарлиги, *биринчидан*, ички ишлар органлари ва уларнинг мансабдор шахслари конун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқариши, *иккинчидан*, ички ишлар органлари ходимларининг хизмат вақтидаги ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), *учинчидан*, маъмурий ва жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг конунга хилоф тарзда қўлланиши натижасида етказилган зарар учун вужудга келиши асослаб берилди.

Шунингдек, тадқиқотчи Фуқаролик кодексида «давлат органлари» деликт муносабатларининг субъекти сифатида белгиланганлигини, бироқ «давлат органлари» тушунчаси ва ҳуқуқий мақоми ўз аксини топмаганлигини таъкидлаб, кодексга «Давлат органлари» номли 76¹-модда киритилиши зарурлигини асослайди ҳамда мазкур модданинг янги таҳририни таклиф этади.

Тадқиқот ишининг **«Ички ишлар органларининг деликт жавобгарлиги: муаммо ва ечимлар»** деб номланган иккинчи бобида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тизимида деликт жавобгарлик ва унинг хусусиятлари, ички ишлар органларининг деликт жавобгарлиги асослари ва шартлари, ички ишлар органларининг давлат органи ҳамда юридик шахс сифатида деликт жавобгарлигининг аҳамияти ва ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган.

Деликт жавобгарлик фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг бир шакли сифатида алоҳида хусусиятларга эга. Тадқиқот ишида деликт жавобгарликнинг қуйидаги хусусиятлари аниқлаштирилди:

биринчидан, деликт жавобгарлик жабрланувчининг зарарини қоплаш ва аввалги мулкӣ ҳолатини тиклаш (компенсаторлик) мақсадида қўлланиладиган мулкӣ мазмундаги чорадир;

иккинчидан, деликт жавобгарликнинг асосий функцияси жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ ҳажмда қопланишини таъминлашдан иборат;

учинчидан, деликт жавобгарликни вужудга келтирувчи асослар таркибида «айб» категориясининг бўлиши ҳар доим ҳам талаб этилмайди. Зарар етказувчи ўзининг айбсиз эканлигини исботламагунича у айбдор ҳисобланади, яъни деликвентга нисбатан айбдорлик презумпцияси қўлланилади;

тўртинчидан, деликт жавобгарлик чоралари зарар етказувчининг қонуний ҳаракатлари натижасида жабрланувчига етказилган зарарни қоплашда ҳам қўлланилади;

бешинчидан, деликт жавобгарлик зарар етказган шахсга эмас, балки унинг хатти-ҳаракатлари учун масъул ёки хатти-ҳаракатларини назорат қилиш мажбурияти бўлган шахсларга ҳам татбиқ этилиши мумкин;

олтинчидан, миллий конунчилигимизда жабрланувчининг зарарни қоплаш тўғрисидаги талабини қаноатлантиришда, суд деликт жавобгарлик чораларини

(зарарни қоплаш усулини) танлашда жабрланувчининг истагини ҳам инобатга олиши назарда тутилади.

Фуқаролик қонунчилигида «зарарни қоплаш», бир томондан, жавобгарлик чораси (Фуқаролик кодексининг 57-боби), бошқа томондан эса, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули (Фуқаролик кодексининг 11-моддаси) сифатида белгиланган. Бироқ уни вазифасига кўра бирламчи ёки иккиламчи ўринга қўйиб бўлмаслиги, деликвентга нисбатан – жавобгарлик чораси, жабрланувчига нисбатан эса унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида қўлланилиши асослантирилди. Чунки деликт мажбуриятлари бевосита у ёки бу хатти-ҳаракатни тақиқлашга қаратилмаган, балки, аввало, деликвентни жабрланувчининг манфаати учун маълум бир ҳаракатни амалга оширишга ундайди. Шунга кўра, муаллиф деликт жазо чораси эмас, балки жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули эканлигини таъкидлаган.

Тадқиқот ишида «мажбурият» ва «жавобгарлик» категориялари ўрганилиб, «мажбурият» юридик категория сифатида кўпроқ шартномавий жавобгарлик муносабатларига, «жавобгарлик» эса деликт мажбурият муносабатларига тааллуқли эканлиги асослантирилди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг «Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар» номли 57-бобини «Зарар етказишдан келиб чиқадиган жавобгарликлар» тарзида баён этиш таклиф этилган.

Тадқиқотда АҚШ, Бразилия, Филиппин, Германия ва бошқа ривожланган Европа давлатларининг полиция ташкилотлари томонидан жабрланувчиларга етказилган зарарни компенсация қилишга оид қонунчилик амалиёти ўрганилиб, халқаро амалиётда ўзини оқлаган мукамал механизмларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар институтининг умумий қондасига кўра, зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи (деликвент)га юкланади. Бироқ, ички ишлар органларининг зарар етказиши деликтнинг алоҳида тури бўлиб, унинг ўзига хос жиҳатлари бор. Аниқроқ айтганда, миллий қонунчилигимизда ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбурияти ҳар доим ҳам уларнинг ўзларига эмас, балки тўғридан-тўғри давлатга юклатилган ҳолатлар ҳам белгиланган. Лекин қонун ҳужжатларида зарарни қоплаш мажбурияти қайси ҳолатларда ички ишлар органларига ва қайси ҳолатларда давлатга юклатилиши аниқлаштирилмаган. Бу эса суд томонидан мазкур низоларни кўришда зарарни тўлаш мажбуриятини ички ишлар органларига ёки давлатга нотўғри юклаш ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин.

Муаллиф ушбу масалани ҳар томонлама ўрганиб ва мавзуга оид миллий қонун нормаларини таҳлил қилиб, ички ишлар органларининг маъмурий, жинойт-ҳуқуқий ва процессуал ҳаракатларни қонунга хилоф тарзда қўллаши оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини – давлат зиммасига, қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилиши ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини эса ички ишлар органларига юклаш ҳуқуқий жиҳатдан тўғри эканлигини асослантирган.

Муаллиф етказилган зарар учун жавобгарликка тортишда «бош деликт» принципи билан бирга, бир қатор махсус қоидалар ҳам қўлланилишини, улар алоҳида деликтлар деб юритилишини таъкидлайди; ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплашнинг зарурий асоси зарар эканлигини, чунки ички ишлар органлари томонидан ғайриқонуний ҳаракат содир этилса-ю, аммо зарар етказилмаган бўлса, деликт жавобгарликни қўллаш масаласи юзага келмаслигини қайд этади. Шу билан бирга, муаллиф, судда зарар: ички ишлар органлари ҳокимият ваколатларини амалга ошираётган вақтда етказилганлиги, ички ишлар органлари (ходимлари)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида келиб чиққанлиги, ички ишлар органлари (ходимлари)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан сабабий боғлиқлиги, ички ишлар органлари (ходимлари)нинг айби билан етказилганлиги исбот қилиниши зарурлигини, шундан кейингина ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш масаласида хулоса чиқариш мумкинлигини асослаб берган.

Диссертацияда ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилган жабрланувчи (жисмоний ёки юридик шахс) ўзига етказилган зарар миқдори (ҳажми)ни исботлаши ҳамда суд томонидан ички ишлар органларининг қарорлари ёки мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ғайриқонуний деб топилиши шарт эканлиги, фақат бунда фуқарога нисбатан суднинг оқлов ҳукми чиққанлиги ҳамда у реабилитация этилганлиги каби ҳолатлар исбот талаб қилмас далиллар сифатида қабул қилиниши зарурлиги асослантирилди.

Диссертацияда Фуқаролик кодексининг 15, 990 ва 991-моддалари мазмунан ўрганилиб, ички ишлар органлари деликт муносабатларида деликвент тараф сифатида ё «давлат органи», ё «юридик шахс» мақомида иштирок этади, деган хулосага келинди. Шундан келиб чиқиб, диссертант ички ишлар органларининг давлат органи ҳамда юридик шахс сифатида деликт жавобгарлигини фарқлаш лозимлигини таъкидлайди. Муаллиф ички ишлар органларининг оммавий ҳуқуқ субъекти сифатидаги деликт жавобгарлиги Фуқаролик кодексининг 15, 990, 991-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда етказилган зарарни қоплашда ифодаланиши ва қонунчиликда бу мажбурият ички ишлар органларига эмас, балки давлат зиммасига юклатилганлигини асослантиради.

Диссертацияда баъзи цивилист олимларнинг давлат ички ишлар органлари томонидан етказилган ҳар қандай зарарни эмас, балки айнан қонунда белгиланган¹³ ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) оқибатида етказилган зарарнигина қоплаши керак, деган фикрлари ўрганиб чиқилди. Муаллифнинг таъкидлашича, давлат органлари ёки мансабдор шахслари томонидан содир этилиши мумкин бўлган ғайриқонуний ҳаракатларнинг тўлиқ рўйхатини олдиндан қонунларда белгилаб қўйишнинг имкони йўқ. Шунга кўра, юқорида таъкидланган ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг рўйхати олдиндан қонун

¹³ Фуқаролик кодексининг 991-моддаси биринчи қисмида «қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф қўлланиш, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар» назарда тутилган.

нормаларида белгиланмаган тақдирда ҳам етказилган зарар давлат томонидан қопланиши, бунинг зарурий шarti эса етказилган зарар билан ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) ўртасидаги сабабий боғлиқлик ҳамда зарар айнан ҳокимият ваколатларини амалга оширишнинг оқибати бўлиши эканлиги асослантирилди.

Ўзбекистоннинг фуқаролик қонунчилигида давлат органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми аниқлаштирилмаган. Суд амалиётида давлат органлари тизимида мураккаб таркибий тузилишга эга ички ишлар органларига деликт жавобгарликни қўллаш бирмунча қийинчиликлар туғдирмоқда. Масалан, ички ишлар органларининг юридик шахс сифатидаги фаолиятида (ички ишлар органлари шартнома мажбуриятларини бажармаганида, транспорт воситалари ёки бошқа ошиқча хавф манбалари билан зарар етказганида) вужудга келган мулкий зарарни ундиришдаги турли муаммолар (етарли маблағи бўлмаслиги ёки ундирувни мол-мулкка қаратишнинг имкони йўқлиги ва бошқалар) сабабли зарар қопланмай қолиши эҳтимоли катта бўлади. Тадқиқотчи ушбу вазиятларда зарарни қоплаш учун ундирувни ички ишлар органларининг хўжалик фаолиятидан топилган маблағлари ёки мол-мулкка қаратиш мумкинлигини ҳуқуқий асослантиради.

Тадқиқот ишида ички ишлар органларининг деликт жавобгарлиги унинг давлат органи (тузилмаси) ҳамда юридик шахс сифатидаги мақомидан келиб чиқиб таҳлил қилинди, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилди. Шунингдек, ички ишлар органларининг деликт муносабатларида айнан шундай тартибдаги иштироки ўрганилиб, бунинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилди. Натижада улар давлат органи (тузилмаси) сифатида иштирок этганида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарар ҳар қандай ҳолатда ҳам давлат бюджетидан қопланиши, агар шундай муносабатда юридик шахс сифатида қатнашса, жавобгарликни давлатга юклаб бўлмаслиги, бундай ҳолатда зарар уларнинг хўжалик фаолиятидан топилган мол-мулкка ёки пул маблағлари ҳисобидан қопланиши лозимлиги асослантирилди.

Диссертант ички ишлар органларининг оммавий ҳуқуқ субъекти сифатида деликт жавобгарлиги уларнинг айнан ҳокимият ва бошқарув фаолиятини амалга ошириши муносабати билан етказган зарари туфайли вужудга келади, хусусий ҳуқуқ субъекти сифатида деликт жавобгарлиги эса уларга хўжалик юритиш ва оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ошиқча хавф манбалари томонидан етказилган зарари учун келиб чиқади, деган хулосага келган.

Бундан ташқари, ички ишлар органлари Фуқаролик кодексининг 989-моддасида белгиланган асослар бўйича хусусий ҳуқуқ субъекти сифатида деликт жавобгарлиги ўрганилиб, бунда ички ишлар органлари ходимлари томонидан етказилган зарар, гарчи хизмат вақтида етказилган бўлса ҳам, ҳокимият ваколатлари билан боғлиқ бўлмаслиги (масалан, ички ишлар органлари ходимининг иш вақтида транспорт воситаси орқали бошқа шахсга етказган зарари) ва шу боис бундай вазиятда ички ишлар органлари юридик шахс сифатида деликт жавобгар бўлиши асослантирилди.

Диссертациянинг учинчи боби «Ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш усуллари ва шакллари: назария ва амалиёт» деб номланиб, унда зарарнинг ўрнини қоплаш усуллари ва шакллари тўғрисидаги таълимотлар, ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплашнинг назарий ва амалий жиҳатлари, ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплашнинг усул ва шакллари такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Диссертацияда Фуқаролик кодексининг 1-моддаси иккинчи қисмидаги «Фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эрқларига мувофиқ эга бўладилар ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар» деган қондасига эътибор қаратилиб, жабрланувчи ўзига етказилган зарарни қоплаш усулини ҳам ўзи танлаши керак, деган хулосага келинди. Шундан келиб чиқиб, ушбу кодекснинг 1003-моддасида назарда тутилган зарарни қоплаш усулини танлаш ҳуқуқи судга берилганлиги тўғри эмаслиги, бу ҳуқуқ жабрланувчига берилиши кераклиги асослантилди.

Тадқиқотчи Фуқаролик кодекси 1003-моддасининг ўзбек тилидаги матни рус тилидагиси билан мувофиқ эмаслигини, ўзбек тилидаги «аслича қоплаш» ибораси рус тилидаги «натура шаклида қоплаш»дан мазмунан фарқ қилишини, ушбу модданинг номи («Зарарнинг ўрнини қоплаш усуллари») мазмунига мос келмаслигини, чунки унда фақат мулкӣ шаклдаги зарарни қоплаш ҳақида сўз юритилиб, номулкӣ зарарни қоплаш назарда тутилмаганлигини (бу Фуқаролик кодексининг 1014 ва 1022-моддаларида белгиланганлигини) кўрсатиб, 1003-модданинг номи ва мазмунини янги таҳрирда баён этишни таклиф этган ҳамда унинг лойиҳасини ишлаб чиққан.

Диссертацияда зарарни тўлаш мажбуриятининг моҳияти борасидаги қарашлар, хусусан уни «*фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули*» ҳамда «*жавобгарлик чораси*» деб таърифловчи икки гуруҳ цивилистларнинг баҳс-мунозаралари кўриб чиқилган. Тадқиқотчи ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш асосида зарарни тўлаш мажбурияти жабрланувчига нисбатан – унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг махсус усули, деликвентга нисбатан эса фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик чораси сифатида қўлланиши ҳақидаги хулосага келади.

Фуқаролик ҳуқуқида зарарни қоплаш ва зарарни тўлаш етказилган зарарнинг ўрнини тўлдиришнинг алоҳида усуллари ҳисобланади. Хусусан, *зарарни қоплаш* деганда тегишли турдаги ва сифатдаги ашёни жабрланувчига зарар ўрнини тўлдириш мақсадида бериш англашилса, *зарарни тўлаш* деганда етказилган зарарни пул қийматида (миллий сўм эквивалентида) қоплаш тушунилади. Диссертацияда айрим (О. Окюлов, М. Баратов, Б. Ҳамроқулов, К. Синдаров, Н. Эгамбердиева, И. Кокорин каби) олимларнинг зарарни қоплаш ва унинг ҳажмини аниқлашга доир фикрлари умумлаштирилиб, зарарни қоплаш усуллари ички ишлар органларига қўллаш юзасидан тавсиялар берилган. Хусусан, зарарни ички ишлар органларидан натура шаклида ундиришни ҳар доим ҳам амалга ошириб бўлмаслиги, бироқ бундай вазиятларда суд етказилган зарар қийматини пул шаклида тўлаш ёки ашёнинг шикастланган қисмини тузатиш ёхуд таъмирлаб бериш каби усуллари белгилаши кераклиги асослантилган.

Суд ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш масаласини кўраётганида зарарнинг (мулкӣ ёки номулкӣ) шакли ва вужудга келиш сабабларини аниқлаши муҳим. Чунки, Фуқаролик кодексининг 15-моддасида – давлат органларининг деликт оқибатида етказган зарари давлат томонидан тўланиши (бу ерда айнан миллий сўм эквивалентида), 1022-моддасида эса маънавий зарар фақат пул билан қопланиши (натура ёки бошқа шаклда эмас) белгиланган.

Тадқиқотчи томонидан Фуқаролик кодексининг 991-моддаси биринчи қисмидаги «Суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши»ни назарда тутувчи қоида таҳлил қилиниб, хорижий давлатларнинг (Россия, Эстония, Украина, Молдова) бу билан боғлиқ фуқаролик қонунчилиги ўрганилди ва цивилист олимларнинг фикрлари умумлаштирилди. Суд жабрланувчига етказилган зарарни қоплашни тўғридан-тўғри мансабдор шахснинг зиммасига юклаши зарарнинг тўлиқ ва ўз вақтида қопланишига тўсқинлик қилишига олиб келиши, дейлик мансабдор шахснинг ҳеч қандай маблағи ёки мол-мулки бўлмаса, зарарнинг қопланиши кечикиши ёки умуман қопланмай қолиб кетиши мумкинлиги асослаб берилди.

Муаллиф зарарни ҳар доим давлат бюджети ҳисобидан қоплаш, агар мансабдор шахснинг айби билан етказилгани судда исботланса, уни регресс тартибида ундириш ҳар томонлама қулай усул эканлигини таъкидлайди. Айни вақтда, бу масалани ҳал қилишда судлар зарарнинг қопланмай қолиш хавфи (мансабдор шахснинг зарарни қоплаш учун етарли маблағи ёки мол-мулки) бор ёки йўқлигига эътибор қаратиши, бундай хавф бўлган тақдирда етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини давлат зиммасига юклаши ва зарар етказилишида айбдор деб топилган мансабдор шахс(лар)га кейинчалик давлат томонидан регресс талаб қўйиш ҳуқуқини тушунтиришлари кераклиги қайд этилади.

Диссертацияда Фуқаролик кодексининг 991-моддасига асосан ички ишлар органларининг терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик давлат зиммасида эканлиги, шу боис жабрланувчилар зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларини ички ишлар органлари ёки унинг мансабдор шахсига эмас, айнан давлатга қаратишлари ҳуқуқий жиҳатдан тўғрилиги асослантилди.

Муаллиф Фуқаролик кодексининг 991-моддасидаги қоидалар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарарни тўлиқ қамраб олмагани, шу боис мазкур ҳолатлар қонун ҳужжатларида тўла-тўқис ўз ифодасини топиши зарурлигини айтади. Шундан келиб чиқиб, диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15, 990, 991-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг еттинчи бўлими («Реабилитация»), Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 324-моддаси («Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришни тугатиш билан қарорни бекор қилиш оқибатлари») нормаларини бир хилда қўллаш бўйича Олий суд Пленумининг қарорини қабул қилиш таклиф этилади.

Тадқиқотнинг «Ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида деликт мажбуриятлар тизимида ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатларнинг вужудга келиши ва ҳуқуқий тартибга солиниши, хорижий давлатларда ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши таҳлил қилинган ҳамда илғор тажрибаларни миллий қонун нормаларига жорий этиш, ички ишлар органлари иштироки билан боғлиқ деликт муносабатларни тартибга солувчи қонун нормаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

Муаллифнинг ёзишича, миллий фуқаролик ҳуқуқида ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатларнинг вужудга келиши уларнинг ҳуқуқ субъекти сифатида ташкил топиши билан боғлиқ. Албатта, ички ишлар органлари бутун тарихий ривожланиш даврида тўлиғича бугунги ҳуқуқий мақомида фаолият юритмаган, лекин тараққиётининг турли босқичларида у ёки бу шаклда мавжуд бўлган. Ўтмишда ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатлар мустақил ҳуқуқий институт сифатида шаклланмаган, аммо уларни тартибга солишга оид қоидаларни ёзма ҳуқуқий манбаларда учратиш мумкин. Фуқаролик ҳуқуқининг мажбурият муносабатларида деликвент тараф сифатида ички ишлар органлари иштирокини ифодаловчи дастлабки нормалар 1963 йил 23 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Гражданлик кодексининг 481-моддасида тор доирада белгиланган эди.

Диссертант собиқ Иттифоқ давридаги қоидалар бозор иқтисодиётига асосланган мустақил Ўзбекистоннинг фуқаролик-ҳуқуқий принципларига жавоб бермаганлигини қайд этиб, хусусан «давлат ўзи тузган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди» деган принципнинг фуқаролик қонунчилигига сингдирилиши ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши деликт мажбурият муносабатларида давлат (ички ишлар) органларини мустақил субъект сифатида эътироф этиш заруратини юзага келтирганлигини таъкидлайди. Шунга кўра, 1997 йил 1 мартдан амалга киритилган Фуқаролик кодекси (15, 990, 991-мм.)да илк бор давлат (ички ишлар) органлари деликт жавобгарлигининг ҳуқуқий асослари белгиланганлигини кўрсатиб ўтади.

Муаллиф бугун ҳар бир давлат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасида муайян ютуқларга эришганлигини, шу билан бирга, бу ҳуқуқларга у ёки бу даражада таъсир кўрсатишнинг қонуний асосларини ҳам ўз қонунчилигида белгилаб қўйганлигини қайд этади. Шунга кўра, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органларига ҳамма учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш ёки ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ваколати берилган. Албатта, бу жараёнларда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари чекланиши ёки уларга у ёки бу шаклда зарар етказилиши каби нохуш ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Бугун барча давлатлар бундай салбий оқибатларни камайтириш ва уларнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ва бундай фаолият оқибатида етказилган зарарни қоплашнинг у ёки бу тартибини белгилаб қўйган. Лекин, ҳалигача бу борада ҳеч бир давлатда умум эътироф этган ягона

ҳуқуқий механизм яратилмаган. Шундай бўлса-да, айрим ривожланган давлатлар ушбу соҳада муайян ютуқларга эришган.

БМТ томонидан 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган «Жиноятдан ва ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишидан жабрланган шахслар учун одил судловни амалга оширишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги декларацияда жиноятдан ва ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишидан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқларини самарали таъминлаш бўйича миллий ва халқаро стандартлар тавсия этилган. Анашу мақсадда диссертант мазкур халқаро ҳужжат Ўзбекистон томонидан ратификация қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Диссертацияда МДҲга аъзо давлатлар, АҚШ, Европа мамлакатлари ва бошқа ривожланган хорижий давлатларнинг мавзуга оид қонунчилиги ҳамда ҳуқуқий тажрибаси ўрганилди. Тадқиқотлар таҳлиliga кўра, ўрганилган давлатлар қонунчилигида давлат (ички ишлар) органлари томонидан етказилган зарар билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос ижобий жиҳатлари мавжудлиги аниқланди. Хусусан, Россия Федерациясида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар давлат томонидан қоплаб берилиши конституция даражасида мустаҳкамланганлигини¹⁴, Украина¹⁵ ва Шимолий Кипр Республикасида¹⁶ эса бундай муносабатлар алоҳида қонун асосида ҳуқуқий тартибга солинганлигини кўриш мумкин.

Бошқа давлатларда, масалан, Туркияда полиция томонидан етказилган зарарни қоплаш оммавий ва хусусий қонун ҳужжатларига, яъни иш берувчининг ходими томонидан етказилган зарар учун жавобгарлигига асосланса, Англиянинг деликт ҳуқуқи, Франция ва Германияникидан фарқли равишда, давлат ҳокимияти қарорлари оқибатида етказилган зарар учун юридик жавобгарликни назарда тутмаган, лекин бу зарар ихтиёрий тарзда компенсация (*ex gratia*) қилинишини ҳамда юридик жавобгарликка эмас, балки фақат ахлоқий бурчга асосланганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатлар, аниқроғи, уларнинг деликт жавобгарлиги Фуқаролик кодекси (15, 990, 991-мм.) асосида белгиланган. Бироқ, муаллиф бу муносабатлар оммавий ва хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган аралаш ҳуқуқий муносабат эканлигини, чунки ички ишлар органларининг деликт жавобгарлиги давлатнинг маъмурий, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам белгиланганлигини айтади. Албатта, бир турдаги ижтимоий муносабатларнинг турли ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солиниши ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳар хил муаммолар келтириб чиқаришини инобатга олиш

¹⁴ Россия Федерацияси Конституциясининг 53-моддаси: «Ҳар ким давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган зарарни давлат томонидан қоплаб берилиши ҳуқуқига эга».

¹⁵ Закон України «Про порядок відшкодування шкоди, завданої громадянинові незаконними діями органів, що здійснюють оперативно-розшукову діяльність, органів досудового розслідування, прокуратури і суду» 1 грудня 1994 року № 266/94-ВР. – URL: <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/266/94-%D0%B2%D1%80#Text>

¹⁶ 14/7/1965 tarihli 657 Sayılı Devlet Memurları Kanunu. – URL: <https://teftis.ktb.gov.tr/TR-263562/657-sayili-devlet-memurlari-kanunu.html>

зарур. Шундан келиб чиқиб, диссертацияда «Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарни тўлаш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонунини қабул қилиш лозимлиги асослантирилди ва унинг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Диссертацияда Фуқаролик кодекси 15, 990, 991-моддаларининг мазмуни таҳлил қилинди. Натижада ички ишлар органларининг маъмурий ҳамда жиноят-процессуал қонун нормаларини қонунга хилоф тарзда қўллаши оқибатида етказилган зарар (ФК 991-м.) – тўғридан-тўғри давлат томонидан, ички ишлар органлари томонидан қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилиниши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган зарар (ФК 15, 990-м.) эса давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланганлиги аниқланди. Муаллиф қонунчиликда давлат органи сифатида ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплашнинг икки хил тартиби белгиланганлиги «бош деликт» (жабрланувчига етказилган зарарни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда қоплаш) принципини амалда тўлиқ таъминлашни қийинлаштиради, деб ҳисоблайди.

Чунки, ички ишлар органларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўлмаганида ёки зарарни тўлиқ қоплаш учун маблағи етмаганида зарар қопланмай қолиб кетиши ёки тўлиқ қопланмаслиги мумкин. Диссертацияда, мазкур ҳолатларни ҳамда ривожланган давлатларнинг ҳуқуқий тажрибасини инобатга олган ҳолда, ички ишлар органларининг давлат органи сифатида етказган зарари уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан эмас, балки тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиши зарурлиги асослантирилди.

Тадқиқот ишида Фуқаролик кодексининг «Суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин»лиги тўғрисидаги нормаси (ФК 15, 991-мм.) таҳлил қилиниб, бу борада ҳуқуқшунос олимларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Натижада давлат ўз органлари ва мансабдор шахсларига берган ҳокимият ваколатларининг ҳар доим тўғри ва қонуний амалга оширилишини кафолатлаши ва бунинг оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олиши керак, деган хулосага келинди. Муаллиф бу масалада зарарни қоплаш мажбурияти ҳар доим давлат томонидан амалга оширилиши ва зарар етказишда мансабдор шахсларнинг айби борлиги суд томонидан исботланган ҳолларда уларга нисбатан регресс тартибида тўланган зарарни ундиришни таъминловчи механизмни жорий қилиш зарурлигини асослантиради.

Диссертацияда Фуқаролик кодексининг 15, 990, 991-моддалари номидан жавобгарлик давлатга эмас, балки давлат органлари, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг зиммасига юклатилганини англаш мумкин. Шу боис, уларнинг номи мазмунига уйғун бўлишини таъминлаш мақсадида, 15-моддани – «Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш», 990-моддани – «Давлат органлари, фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплаш», 991-моддани эса «Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф қарорлари, шунингдек ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарарни қоплаш», деб ўзгартиш мантиқан тўғри бўлиши асослантилди.

Бундан ташқари, тадқиқот ишида диссертант терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф фаолияти натижасида жабрланган ёки зарар кўрган фуқаронинг зарарни ундириш ҳуқуқи унинг вафотидан сўнг меросхўрларига ўтиши тўғрисидаги қонуннинг Фуқаролик кодексининг 991-моддасига киритилиши бу соҳага оид қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бирхиллашувини таъминлайди деб ҳисоблайди.

ХУЛОСА

«Ички ишлар органлари деликт муносабатлар субъекти сифатида» мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида муайян хулосаларга келинди ва таклифлар ишлаб чиқилди.

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Деликт муносабатларда ички ишлар органлари «*деликвент*» ёки «*жабрланувчи*» субъект ҳисобланиб, ё давлат органи, ё юридик шахс сифатида иштирок этади ҳамда давлат ҳокимиятини амалга ошириш фаолиятида етказган зарари деликтнинг алоҳида ва махсус тури ҳисобланиши асосланган.

2. Тадқиқот ишида ривожланган хорижий давлатлар (Дания, Исландия, Швейцария, Гонконг, Люксембург, Мальта, Янги Зеландия, Норвегия, Португалия)нинг полиция тажрибалари ўрганилиб, Ўзбекистонда ички ишлар органларини инсонпарвар полиция тизимига ўтказиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

3. Фуқаролик ҳуқуқида ички ишлар органларининг оммавий ҳуқуқ субъекти сифатида етказган зарарини қоплаш мажбурияти давлатга юклатилади, хусусий ҳуқуқ субъекти сифатида етказган зарарини қоплаш мажбурияти эса умумий тартибда (бошқа хусусий юридик шахслардаги каби) бўлади. Бинобарин, Фуқаролик кодексининг 15, 990, 991-моддаларида белгиланган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволар ички ишлар органларига ёки унинг мансабдор шахсига эмас, айнан давлатга (давлат бюджетига) қаратилиши ҳуқуқий жиҳатдан тўғри бўлиши асосланган.

4. Диссертацияда ривожланган давлатларнинг полиция фаолиятида қўлланилаётган суғурта турлари ўрганилиб, Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолиятида ҳам мақсадли ва самарали суғурта турларини босқичма-босқич жорий этиш таклиф қилинди.

5. Ўтказилган таҳлиллар натижасида ички ишлар органларининг оммавий ҳуқуқ субъекти сифатида етказган зарари: *биринчидан*, қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилинганида; *иккинчидан*, ходимларининг хизмат

вақтидаги ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида; *учинчидан*, маъмурий ва жиноят-ҳуқуқий нормаларни қонунга хилоф тарзда қўллаш оқибатида вужудга келади, деган хулосага келинди.

6. Тадқиқот ишида ички ишлар органларининг деликт жавобгарлиги шартномавий жавобгарлигидан тубдан фарқ қилиши, фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари каби улар ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан «бош тортиш»га ҳақли эмаслиги, фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг тенглиги тамойилининг моҳиятида ҳам айнан жавобгарликнинг барча учун бир хилда татбиқ этилиши, мансабдор шахсларининг айби мавжудлигидан қатъи назар жабрланувчиларга етказилган зарар қопланиши шартлиги асослантрилиб, зарарни қоплашнинг ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилди.

7. Тадқиқотда ички ишлар органлари томонидан зарар етказилгани сабабли давлатнинг деликт жавобгарлиги вужудга келиши учун зарар:

ички ишлар органларининг давлат бошқаруви ва ҳокимият ваколатларини ғайриқонуний амалга ошириши оқибатида етказилган бўлиши;

ички ишлар органлари ва мансабдор шахсларининг ғайриқонуний қарорлари ёки ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли келиб чиққан бўлиши;

ғайриқонуний қарор ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик) билан сабабий боғланган бўлиши;

ички ишлар органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари айби билан етказилган бўлиши кераклиги асосланган.

8. Фуқаролик кодексига (ФК 985, 987, 988-мм.) белгиланган қонуний ҳаракатлар натижасида зарурий муҳофаа ва охириги зарурат ҳолатида етказилган зарарни қоплаш тартиби фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси эмас, балки фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулидир. Шунга кўра, тадқиқот ишида ички ишлар органлари ёки ходимлари томонидан мазкур ҳолатларда жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни жабрланувчига ундириш тўғрисида чиқарилган суд қарори ички ишлар органлари мансабдор шахсларига нисбатан ички хизмат текшируви ўтказилишига асос бўлмайди, деган хулосага келинди.

9. Ички ишлар органлари томонидан жисмоний ёки юридик шахсларга етказилган зарарни ундиришда жабрланувчи ўзига етказилган зарар миқдори ва ҳажмини исботлаши ҳамда суд томонидан ички ишлар органларининг қарорлари ёки мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳам ғайриқонуний деб топилиши шарт. Фақат бунда суднинг оқлов ҳукми ёки шахсни реабилитация этиш тўғрисидаги ажрими (қарори) исбот талаб қилмас далиллар ҳисобланади. Шу боис, тадқиқотчи томонидан жабрланувчиларнинг вақтини ва маблағини тежаш мақсадида бу муносабатларга сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш механизмлари ишлаб чиқилди.

10. Ички ишлар органлари ва ходимларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган ҳар қандай зарар, гарчи қонун нормаларида белгиланмаган бўлса ҳам, давлат томонидан тўланиши керак, бунинг зарурий шarti эса зарарнинг айнан давлат бошқаруви ва ҳокимият ваколатларини ғайриқонуний амалга ошириш оқибатида етказилган бўлишидир.

11. Сунъий интеллект технологияларининг самарадорлиги ўрганилиб, тадқиқотчи томонидан ички ишлар органлари қарорлари ва мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида жабрланувчиларга етказилган зарарнинг қопланишини рақамлаштириш мақсадида «**Рақамли компенсация**» махсус ахборот порталини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарурлиги асосланган.

12. «Ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар» тушунчасига қуйидаги доктринал илмий таъриф ишлаб чиқилди: «*Ички ишлар органлари томонидан етказилган зарар* деганда улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши ёки қонунга хилоф қарорлар қабул қилиниши ёхуд ходимларнинг ҳокимият ваколатларини амалга ошириш фаолиятидаги ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига путур етиши, фуқаро ва юридик шахс мол-мулкининг нобуд бўлиши ёки бошқача шаклда ёмонлашуви тушунилади».

II. Қонун ижодкорлигига оид таклифлар:

13. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва кўшимчалар киритишга оид таклифлар:

13.1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига янги таҳрирдаги қуйидаги 15¹-моддани киритиш мақсадга мувофиқ:

15¹-модда. Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қонуний ҳаракатлари натижасида етказилган зарарни тўлаш

Қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тартибда, фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига, шунингдек юридик шахсга давлат органининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг, шунингдек давлат томонидан берилган ваколатга эга шахснинг қонуний ҳаракатлари натижасида етказилган зарар тўланиши лозим;

13.2. Давлат органларининг деликт муносабатларда тараф сифатида иштирок этиши Фуқаролик кодексининг 15 ва 990-моддаларида назарда тутилган. Бироқ давлат органлари айнан қайси ташкилотлар эканлиги ва уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми Кодекста аниқлаштирилмаган. Бу ҳолат давлат айнан қайси органлар учун деликт жавобгар эканлигига, шунингдек давлат органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомига аниқлик киритишни талаб этади ва шу мақсадда Фуқаролик кодексига қуйидаги таҳрирда 76¹-моддани киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

76¹-модда. Давлат органи

Давлатнинг муайян функцияларини, шунингдек бошқарув вазифаларини бажариш учун давлат томонидан ташкил этилган ва молиявий жиҳатдан тўлиқ таъминлаб туриладиган ташкилот давлат органи ҳисобланади.

Давлат органи юридик шахс ҳисобланади.

Давлат органи ўз уставида назарда тутилган тартибда хўжалик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

Давлат органи ўзининг шартномавий мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги хўжалик фаолияти орқали топилган пул маблағлари билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, давлат унинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади. Давлат органининг ҳуқуқий мавқеи тегишли қонун ҳужжатлари ёки ўзининг устави билан белгиланади;

13.3. Фуқаролик кодекси 15, 990, 991-моддаларининг номлари мазмунига мос бўлиши кераклиги боис моддалар номларидаги «зарар учун жавобгарлик» ўрнига «зарарни қоплаш» иборасини қўллаш лозим;

13.4. Натура шаклида қоплаш зарарни қоплашнинг алоҳида ва мустақил усули бўлгани сабабли Фуқаролик кодексининг 1003-моддасига алоҳида усул сифатида киритиш зарур;

13.5. Фуқаролик кодекси 1-моддасининг иккинчи қисмида фуқаролар ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эрklarига мувофиқ эга бўлишлари ва бу ҳуқуқларни ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширишлари белгилангани боис, 1-модданинг иккинчи қисми билан 1003-модда ўртасидаги келишмовчиликни бартараф этиш учун 1003-моддада назарда тутилган зарарни қоплаш усулини танлаш ҳуқуқи жабрланувчининг ўзига берилиши керак (амалдаги нормада бу ҳуқуқ суднинг ваколатидадир). Шу сабабли Фуқаролик кодексининг 1003-моддаси қуйидаги таҳрирда баён қилиниши мақсадга мувофиқдир:

1003-модда. Мулкый зарарнинг ўрнини қоплаш усуллари

Суд мулкый зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қаноатлантирар экан, иш ҳолатларига мувофиқ равишда ва жабрланувчининг талабини ҳисобга олган ҳолда, етказилган зарар учун жавобгар шахсга зарарни натура шаклида қоплаш, аслича қоплаш (тегишли турдаги ва сифатдаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ашёни тузатиш) ёки етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини юклаганга ҳақли;

13.6. Фуқаролик кодексининг 991-моддасини янги таҳрирда қабул қилиш зарур ҳамда модданинг номини ўзгартириб, мазмунини қуйидаги таҳрирда баён қилиш лозим:

991-модда. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарни қоплаш

Қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораларини қонунга хилоф тарзда қўллаш, маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш, шунингдек бошқа маъмурий ҳамда жиноят-процессуал мажбурлов чораларини қонунга хилоф тарзда қўллаш натижасида фуқарога етказилган зарар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг бошқача тарздаги қонунга хилоф фаолияти натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар умумий асосларда қопланади.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф қарорлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи тўғридан-тўғри қонунга хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) ёки қонунга хилоф қарорлар натижасида жабрланган шахсга, шунингдек жабрланувчи вафот этган тақдирда, унинг меросхўрларига берилади.

14. Турли ҳуқуқ соҳаси нормалари билан тартибга солинган оммавий ҳуқуқ субъектлари томонидан етказилган зарарни қоплаш тартибларини унификациялаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг *«Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида»*ги қонунини қабул қилиш зарур бўлиб, унинг лойиҳаси ишлаб чиқилган (лойиҳа диссертацияга илова қилинган).

15. Тадқиқотда БМТ томонидан 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган «Жиноятдан ва ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишидан жабрланган шахслар учун одил судловни амалга оширишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги декларацияни ратификация қилиш ҳамда унинг қоидаларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилди.

III. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид хулосалар:

16. Ички ишлар органларининг қонуний қарорлари ва мансабдор шахсларининг қонуний ҳаракатлари натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш тартибини қонун ҳужжатларига киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай экан, зарарни ундириш тўғрисида чиқарилган суд қарорини ҳуқуқий жазо чораси сифатида талқин этмаслик зарур.

17. Ички ишлар органлари ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзига хослиги улар томонидан етказилган зарарни қоплашда қийинчиликлар туғдирмоқда. Ички ишлар органларининг юридик шахс сифатидаги фаолиятида (масалан, хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ошиқча хавф манбалари томонидан) етказилган зарарни қоплаш учун етарли маблағлари бўлмаганида ундирувни уларнинг мол-мулкига қаратиб бўлмайди. Натижада жисмоний ёки юридик шахсларга етказилган зарарнинг қопланмай қолиш эҳтимоли катта бўлади. Бундай вазиятларда зарарни қоплаш ички ишлар органларининг хўжалик фаолиятидан топилган маблағлари ҳисобидан олинган мол-мулкига қаратилиши мумкин.

18. Фуқаролик кодексининг 15-моддасига асосан ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбурияти зарар етказишда айбдор бўлган мансабдор шахсларга юклатилиши мумкин. Айбдор мансабдор шахсларга зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор қабул қилишда судлар:

биринчидан, зарарнинг қопланмай қолиши хавфи бор ёки йўқлигига, яъни зарарни қоплаш учун мансабдор шахснинг етарли маблағи ёки мол-мулки мавжудлигига;

иккинчидан, зарарни юзага келтирган шартларнинг хусусиятига;

учинчидан, мансабдор шахс айбининг даражасига эътибор қаратишлари шарт.

19. Судлар ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш масаласини кўраётганида, аввало, зарар ҳақиқатан ҳам етказилганини аниқлаши керак. Агар зарар уларнинг бошқарув ва ҳокимият ваколатларини амалга ошириш фаолияти билан боғлиқ бўлмаса, уни қоплаш мажбурияти давлатга эмас, балки ички ишлар органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари зиммасига юклатилиши лозим. Чунки давлат, Фуқаролик кодексининг 15, 990, 991-моддаларида белгиланганидек, ички ишлар органлари бошқарув ва ҳокимият ваколатларини амалга ошириш фаолиятида етказган зарарни қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

20. Диссертант томонидан АҚШ, Бразилия, Филиппин, Германия ва бошқа ривожланган Европа давлатлари полиция ташкилотларининг деликт жавобгарлигига оид қонунчилик тажрибаси таҳлил қилиниб, Ўзбекистонда ички ишлар органлари томонидан етказилган зарарни жабрланувчиларга ўз вақтида ва тўлиқ қоплаш бўйича махсус фонд ташкил этиш ҳамда унинг молиявий манбаларини шакллантириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.07/30.12. 2019.Уч.22.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ЮРИДИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КУЛДАШЕВ НУРИДДИН АБДУГАНИЕВИЧ

**ОРГАНЫ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ КАК СУБЪЕКТЫ ДЕЛИКТНЫХ
ОТНОШЕНИЙ**

**12.00.03 – Гражданское право. Предпринимательское право.
Семейное право. Международное частное право**

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (DSc)

город Ташкент – 2021 год

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.DscYu/75.

Докторская диссертация выполнена в Академии МВД Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.tsul.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Камалов Ойбек Ахматович
доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты: Самарходжаев Ботир Билалович
доктор юридических наук, профессор

Топилдиев Бахромжон Рахимжонович
доктор юридических наук, профессор

Ахмедов Азизжон Дильшодович
доктор юридических наук

Ведущая организация: Университет общественной безопасности
Республики Узбекистан


Защита диссертации состоится 29 декабря 2021 года в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 при Ташкентском государственном юридическом университете (Адрес: 100047, г. Ташкент, улица Сайилгох, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного юридического университета (зарегистрировано за №1000) (Адрес: 100047, г. Ташкент, ул.А.Тимура, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).


Автореферат диссертации разослан 13 декабря 2021 года.

(протокол реестра № 20 от 13 декабря 2021 года).




И.П. Рустамбеков
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
юридических наук, профессор


Д.Т. Хабибуллаев
Научный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, кандидат
юридических наук, профессор


С.С. Гулямов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор юридических наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В законодательстве многих стран мира деликты с участием полицейских органов являются особым видом деликтных обязательств, признанным институтом различных отраслей права. Например, в США и Германии регулируется публичным правом, в Турции – публичным и гражданским правом, а в Украине – специальным законом. В них актуальное значение приобретают проблемы незаконных решений полиции, предотвращения и возмещение ущерба, причиненного неправомерными действиями (бездействием) должностных лиц, разработки эффективных средств их полной компенсации и создания финансовых ресурсов. По данным World Population Review¹ ежегодно тысячи людей становятся жертвами действий сотрудников правоохранительных органов во всем мире, где Бразилия, Филиппины, Индия и США занимают первые места, что требует тщательного исследования в этом направлении.

В мире в процессе борьбы с преступностью и обеспечения общественной безопасности особое внимание уделяется вопросам как направлению исследований, которое играет важную научную и практическую роль разработка национальных и международных мер по возмещению ущерба, причиненного полицейскими организациями, а также по обеспечению прав лиц, пострадавших от нарушений и злоупотреблений государственной властью, благодаря этому добиться сокращения количества споров, связанных с ущербом, причиненным субъектами публичного права, создать организационно-правовые рамки, которые обеспечат своевременное и полное возмещение ущерба, причиненного потерпевшим, определение публично-правовых и частно-правовых деликтных отношений органов внутренних дел, определение деликтной ответственности как государственного органа и юридического лица.

В Республике Узбекистан в рамках реализации Концепции² совершенствования гражданского законодательства Республики Узбекистан, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 5 апреля 2019 года №Р-5464 проводятся комплексные реформы по усилению компенсаторной функции гражданского законодательства путем введения правил исчисления морального, материального ущерба и убытков, совершенствованию обязательственного права, в том числе путем определения исчерпывающего перечня оснований возникновения обязательств и модернизации норм, регулирующих вопросы перемены лиц в обязательстве, совершенствованию института гражданско-правовой ответственности, включая обеспечение справедливого порядка возмещения убытков, установлению эффективных гражданско-правовых механизмов защиты прав и законных интересов физических и юридических лиц. Несмотря на это, с увеличением количества публичных споров, связанных с тем, что суды признают недействительными

¹ <https://worldpopulationreview.com/country-rankings/police-killings-by-country>

² Распоряжение Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию гражданского законодательства Республики Узбекистан» №Р-5464 от 5 апреля 2019 года // URL: <https://lex.uz/ru/docs/4272619> (дата обращения: 30.10.2021).

решения органов внутренних дел и действия (бездействие) их должностных лиц, возникают проблемы со своевременным и полным возмещением ущерба, причиненного государственными органами, в том числе органами внутренних дел и должностными лицами потерпевшим. Количество случаев признания недействительными решений органов внутренних дел составляет 8 в 2018 году, 16 в 2019 году, 18 в 2020 году, а количество случаев установления того, что действия (бездействие) сотрудников системы являются незаконными, составило 121 в 2018 году, 138 в 2019 году, 88 в 2020 году³. Только в 2020 году 34 процента причиненного ущерба не было возмещено пострадавшим по разным причинам⁴. Это создает необходимость фундаментального изучения деликтных отношений с участием органов внутренних дел, правового порядка возмещения причиненного ими ущерба и четкого определения источников финансирования в законодательстве, имплементация норм международного права в данной сфере в национальное законодательство.

Данное диссертационное исследование в определенной мере послужит реализации задач, предусмотренных в Гражданском кодексе Республики Узбекистан (1995, 1996), Законом «Об органах внутренних дел» (2016), Указах Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947 от 7 февраля 2017 года, «Об утверждении Национальной стратегии Республики Узбекистан по правам человека» №УП-6012 от 22 июня 2020 года и «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации» №УП-6079 от 5 октября 2020 года, Распоряжении «О мерах по совершенствованию гражданского законодательства Республики Узбекистан» №Р-5464 от 5 апреля 2019 года и иных актах законодательства в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Научные исследования по совершенствованию правового регулирования деликтных отношений с участием органов внутренних дел проводились в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в том числе в Московском государственном университете (Россия), Санкт-Петербургском государственном университете (Россия), Национальной академии внутренних дел (Украина), Казахском гуманитарном юридическом университете (Казахстан), Университете Гази (Турция), Калифорнийском университете (США).

³ Архивные материалы Верховного Суда Республики Узбекистан за 2018-2020 годы / Справка Верховного Суда Республики Узбекистан от 12 июля № 2021/07/14-12396-236.

⁴ В текущем году в результате преступлений должностных лиц был причинен ущерб на 172 миллиарда 260 миллионов сумов // URL: <http://old.uza.uz/oz/society/mansabdor-shakhsilar-zhinoyatlari-o-ibatida-zhoriy-yilda-172--15-07-2020> (дата обращения: 30.10.2021).

В результате указанных зарубежных научных исследований по вопросам совершенствования правового регулирования деликтных отношений с участием органов внутренних дел были достигнуты определенные научные результаты. В частности, разработаны теоретические и практические правила ответственности за вред, причиненный противоправными действиями отделов дознания и предварительного следствия в системе органов внутренних дел (Академия управления МВД России), изучены основы гражданско-правовой ответственности за ущерб, причиненный сотрудниками органов внутренних дел в результате применения ими физической силы, специальных средств и огнестрельного оружия (Санкт-Петербургский университет МВД России), усовершенствованы основы гражданско-правовой ответственности сотрудников органов внутренних дел (Национальный университет Украины, Национальная академия внутренних дел Украины), а также разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию порядка возмещения вреда, причиненного органами дознания и предварительного следствия органов внутренних дел (Казахстанский гуманитарный юридический университет), научно исследована ответственность государственных органов в качестве субъекта публичного и частного права (Университет Гази в Турции).

Степень изученности проблемы. Тема данной диссертации не изучалась отдельно и комплексно в цивилистической науке и является одной из «многогранных» проблем, которую необходимо изучить на сегодняшний день. Диссертантом и ранее проводились научные исследования по вопросам участия органов внутренних дел в деликтных отношениях, в частности, по гражданско-правовым вопросам возмещения вреда, причиненных органами внутренних дел. Однако в этих исследованиях некоторые аспекты проблемы не были достаточно и полностью изучены, были лишь выдвинуты первоначальные идеи, гипотезы, однако их решения и ожидаемые результаты подробно не изложены.

К настоящему времени некоторые обстоятельства, связанные с темой диссертации, в той или иной степени изучены учеными-правоведами. В частности, были изучены вопросы, связанные с участием органов внутренних дел и некоторых отраслевых служб в публичных деликтных отношениях⁵. Однако, в данных исследованиях рассматривался вред, причиненный только в результате уголовно-процессуальной деятельности органов внутренних дел, и отношения, связанные с и компенсацией.

